

## Бахиллик



12:15 / 19.10.2018 3485

Аллоҳ таоло Қуръони каримда кишиларни бахилликдан ҳам қайтарган. Чунки бахиллик кишилар ўртасидаги муҳаббатни йўқотади. Бахил киши ўзаро ёрдамни ёмон кўради, бечора, камбағал, ночор кишиларга ўз бойлигидан ҳеч нарса бермайди. Бу эса уларнинг қалбини ҳасадга тўлдирди. Қайси халқда бахиллик тарқаган бўлса, ўша халқда ўзаро ёрдам бўлмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ бахилликни қоралайди.

أَلْقِيْمَةَ يَوْمَ يَوْمٍ بِمَجْلُوءٍ مَا سَيَطُوفُونَ هُمْ سَرُّهُ بَلْ هُمْ خَيْرًا هُوَ فَضْلُهُ مِنْ أَلَلِهٖ ءَاتَانَهُمْ بِمَا يَبْخُلُونَ أَلَّذِينَ يَحْسَبْنَ وَلَا

**«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладиганлар бунини ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур» (Оли Имрон сураси, 180-оят).**

Аллоҳ бахилликдан халос бўлган кишиларни «нажот топувчи-лар» деб атайди:

﴿١﴾ الْمَفْلُحُونَ هُمْ فَأَوْلِيكَ نَفْسِهِ سَخَّ يُوقَ وَمَنْ

**«Ким ўз нафсининг зиқналигидан сақланса, ана ўшалар за-фар топувчилардир»** (Ҳашр сураси, 9-оят).

Бахил киши бойликка маҳкам ёпишгани билан, камбағалдек яшайди. Чунки бойликни тўплаб, ундан фойдаланмай юриш кам-бағалликнинг бир туридир, балки энг ёмон туридир. Бахил киши хор бўлади, кишиларнинг ҳақоратига учрайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръони Каримда айтади:

الْفُقَرَاءُ وَأَنْشُرُ الْغَنِيِّ وَاللَّهُ نَفْسِهِ عَنْ يَبْحَلُ فَإِنَّمَا يَبْحَلُ وَمَنْ

**«Ва ким бахиллик қилса, албатта, ўз зиёнига бахиллик қилур. Ва, ҳолбуки, Аллоҳ беҳожат, сизлар муҳтожсизлар»** (Муҳаммад сураси, 38-оят).

Кимки кўнглим тинч, ҳаётим саодатли бўлсин деса, бахилликдан қочсин. Лекин унинг акси бўлган бошқа бир ёмонликка ҳам дучор бўлмасин. Бу ёмонлик – исрофгарчиликдир. Аллоҳ комил мўминларни сифатлаганидек сифатларга эга бўлишга уринсин:

﴿١٧﴾ قَوْمًا ذَلِكُمْ بَيْنَ وَكَانَ يَفْتُرُوا وَلَمْ يُسْرِفُوا لَمْ أَنْفَقُوا إِذَا وَالَّذِينَ

**«Нафақа қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар»** (Фурқон сураси, 67-оят).

**“Иймон” китобидан**